



СУД СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 ноябрь куни одил судловни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Судлар фаолияти, аввало, инсон тақдирига, барча соҳалар тартиби ва тараққиётига дахлдор масаладир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, ишларни қўришда холислик, адолат ва қонунийликни таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Сўнгги олти йилда бу тизимга оид 50 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Шу даврда ноҳақ айбонланган 4 минг кишига оқлов ҳукми чиқарилган, 26 мингдан зиёд шахс суд залидан озод қилинган, 47 минг фуқарога нисбатан терговда кўйилган моддалар айбловдан чиқарилган.

Суд тизимига ишонч ортгани иқтисодий ва тадбиркорлик ривожига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, олти йилда корхоналар сони 2 бараварга ошиб, 530 мингтага етган. Юртимиз иқтисодиётига 39 миллиард доллар хорижий инвестиция кириб келган. Бугунги кунда 15 мингдан ортиқ хорижий ва қўшма корхоналар фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизнинг Тараққиёт стратегиясида суд жараёнида томонларнинг ҳақиқий тенглик ва тортишув тамойилларини рўйбга чиқариш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсади ҳам белгиланган. Шундан келиб чиқиб, мутасадди ва мутахассислар халқ билан мулоқот қилиб, соҳадаги муаммоларни ўрганган.

Йиғилишда ана шу муаммолар таҳлил қилиниб, соҳани ислоҳ этиш бўйича тақлифлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ҳар йили ўртача 1 миллион 500 минг аҳоли судларга мурожаат қилади. Вилоят судлари одил қарор чиқариш

бўйича етарлича масъулият олмаётгани сабабли овозгарчиликлар кўп. Мисол учун, йил бошидан буён 18 минг фуқаро вилоят судлари қабул қилган қарорлардан норози бўлиб, Олий судга келган.

Судларда ишларни кўриб чиқиш эскича давом этипти. Адвокатларнинг ўрни юқори эмас. Терговчилар ўз устида ишламай қўйган.

Судга аралашувларнинг олдиди олиш учун судьяларнинг ваколат муддати узайтирилди, маоши кескин оширилди. Уларни лавозимга тайинлаш Судьялар олий кенгашига ўтказилди. Лекин бу борада ҳалиям айрим бўшлиқлар бор.

Шу боис, Президент судларда тортишув муҳитини шакллантириш, ҳуқуқ-тартибот идоралари ишини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Вилоят судлари масъулиятини ошириш, жиноят ишини айблов ҳулосаси ва химоячи фикри билан бирга қабул қилишни назарда тутуви қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

Судьялар олий мактабини тубдан ислоҳ қилиш, туман ва вилоят судлари учун мол-мулк, оила, солиқ, меҳнат муносабатларига ихтисослашган судьялар тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди. Судьялар ҳамжамиятининг ваколатларини кучайтириш, судьялар сонини боқичима-боқича кўпайтириш тақлифи маъқулланди.

Давлатимиз раҳбари соҳада рақамлаштиришни кенгайтириб, ахборот тизимларини уйғун қилиш, замонавий технологиялар орқали одамларга қулайликларни ошириш бўйича топшириқлар берди.

ЎЗА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

“САМАРҚАНД МУЛОҚОТИ” — Туркий дунёнинг қайта тикланаётган қудрати

Ҳар бир даврнинг ўз қуввати, ўзига хос руҳи бўлади. Улар тарихда унутилмайди, исиз йўқолмайди. Қадимда дунёнинг тўрт томонидаги элу элатларни ўзаро боғлаб турган Буюк ипак йўли ҳам инсоният тақдирини катта ютуқлардан бири эди. Шу қудратли йўл узоқ сарҳадлар оша бизнинг заминда фалсафийлашиб, одам авлодлари учун ҳаётнинг мазмун касб этган. Бунда, айниқса, “Самарқанд мулоқоти” муҳим ўрин тутган. Ҳар тарафдан келган маслагу мансаби фарқли инсонлар шу манзилда учрашиб, ўзаро фикрлашган, олам илми, ҳаёт мароми ва файзиёб келажақ ҳақидаги машваратларда қатнашган.



“Самарқанд мулоқоти” бошқа бир жиҳатдан ҳам тарихда ўчмас из қолдирган. Бу — мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-маърифий муносабатларни ўзаро боғлиқлик тамойили асосида қуришга йўналтирилган катта интилиш ҳаракати эди.

Яна бир гап. Туркий дунё қуввати, аввало, Самарқанд заминидан руҳланиб турган. Бу, ўз навбатида, дунё халқлари ҳаётини ўзгартириб юборган Ренессанс ҳодисасига йўл очди.

Бугун шу тарих такрорланмоқда. Самарқанд жорий йил сентябрь ойида муваффақиятли ўтган ШХТнинг тарихий саммитидан сўнг навбатдаги йирик тадбир —

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” мавзусидаги йиғилишига мезбонлик қилди.

Давоми 3-бетда

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОР нуфузли ташкилотлар вакилларини Тошкентда тўплади

Пойтахтимизда Кичик ёшдаги болаларни парвариш қилиш ва таълим бериш бўйича II жаҳон конференцияси иш бошлади. Глобал форум ЮНЕСКО ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ташкил этилди. Анжуман тадбирларида юз элликдан ортиқ давлатдан бир ярим мингга яқин делегат иштирок этмоқда. Улар орасида халқаро ташкилотлар ва молия институтлари раҳбарлари, фан ва таълим соҳасидаги таниқли халқаро арбоблар, жумладан, Нобель мукофоти совриндорлари қатнашаётгани тадбирнинг нуфузи ва шуқуҳидан далolat беради. Мазкур конференция иштирокчилари конструктив мулоқот, дадил ташаббуслар, ижодий тақлифлар атрофида бирлашган.



Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТДТ САММИТИДАГИ НУТҚИ ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Жорий йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг биринчи саммити якунлари ва унда қабул қилинган ҳужжатлар хорижий мамлакатларнинг эксперт-таҳлил доиралари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Хусусан, бир қатор етакчи хорижий босма ва электрон оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мазкур халқаро форумдаги нутқини таржима қилган ҳолда, ўз саҳифаларида эълон қилди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари нутқи Малайзиянинг “OIC Today”, Хитойнинг “Китай”, Жанубий Кореянинг “The Korea Post” матбаа нашрлари, Индонезиянинг “Jakarta Globe” ахборот агентлиги, Швейцариянинг “International Diplomat” ва “Diva International” электрон журналларида, шунингдек, Қозғоғистоннинг “liler.kz” интернет портали ва бошқа нуфузли хорижий нашрлар саҳифаларида эълон қилинди.

Саммит ва унинг доирасида бўлиб ўтган воқеалар халқаро матбуотнинг диққат марказида бўлди. Саммитга бағишланган таҳлилий мақолалар

етақчи таҳлил марказларининг веб-сайтларида, янгиликлар ва иxtисослашган нашрлар саҳифаларидан ҳам жой олди.

Албатта, биринчи навбатда, саммитнинг бориши ТДТда иштирок этувчи мамлакатлар ОАВ томонидан диққат билан кузатишлари ҳолда кенг ёритилди. Улар орасида Озарбайжоннинг “Каспий”, “Минвал”, “Region Plus” ахборот порталлари, Қозғоғистон ва Қирғизистоннинг етакчи ахборот агентликлари — “Казинформ” ҳамда “Қабар”, шунингдек, Анқара Инқироз ва сиёсий тадқиқотлар маркази “ANKASAM” сайти ва бошқалар бор.

Саммит арафасида ва анжуман давомида Хитойнинг етакчи ахборот агентлиги “Синьхуа”, Европанинг “EU Reporter” ахборот-таҳлил нашри, Италиянинг “Askaneews” нашри, Покистоннинг “Pakistan in the World” журнали, Испаниянинг “El Mundo Financiero” электрон нашри, Латвиянинг “Leta” ахборот агентлиги, Мисрнинг “Sada al Balad” газетаси, Россиянинг “Большая Азия” портали, Буюк Британиянинг “London Post” онлайн нашри, Ҳиндистоннинг “Diplomatist”, “Sarkaritel” ва “Diplomacy India” интернет нашрлари ТДТ доирасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболларига бағишланган туркум мақола ва хабарларни эълон қилди.

Мутахассисларнинг кўплаб изоҳ ва шарҳлари, шунингдек, халқаро ОАВда эълон қилинган материаллар саммитнинг аҳамияти ҳамда ТДТнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи ортиб бораётганидан далolat беради.

“Дунё” АА

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

“Фидойи ёшлар етакчиси” республика кўрик-танлови бўляпти. Саҳнага 3-шарт бўйича Андижон вилояти бошқичи ғолиби Жасур Абдуғафуров чақирилди. Иштирокчи томонидан намойиш этилган “МФЙда етакчининг бир куни” номли видеолавҳа энг юқори баллардан бирини қўлга киритди. Шунингдек, унинг маҳалла учун яратган телеграм боти нафақат томошабинлар, ҳакамлар ҳайъатининг ҳам гулдурос олқишларига сазовор бўлди.

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР (Орепк)

Мазкур ботда етакчи туғилиб ўсан Учун маҳалласидаги тадбиркорлик субъектлари, мактаб, ареналар, дўкон эгалари, тақсичилар, хунарманд ва бошқаларнинг телефон рақамлари, манзиллари кўрсатилган бўлиб, улар билан осон боғланиш, хизматидан фойдаланиш мумкин.

Ёшлар ишлари агентлиги мутасаддиси Шерзод Олимов шартга вақтинча

танаффус бериб, саҳнада турган ҳолда, барчанинг гувоҳлигида ушбу ботни текшириб кўрди. Яъни етакчи яшайдиган Маъмуробод кишлоғидаги футбол аренасига микоз сифатида қўнғироқ қилиб, футбол ўйнаш учун майдонни банд қилиб қўймоқчилигини айтди.

Давоми 5-бетда

МИННАТДОРЛИК

ЮРАКЛАР СОҒЛОМ УРИШИ УЧУН давлат эътиборни ҳам, маблағни ҳам аямаяпти

Мамлакатимизда тиббиёт илмининг сўнгги ютуқларига асосланиб фаолият юритаётган Болалар миллий тиббиёт маркази ташкил этилгани соҳадаги оламшумул воқеа бўлди. Бунга халқаро тиббий ҳамжамият ҳам алоҳида эътироф этди. Энг муҳими, марказ халқимизга манфаат келтиряпти.



Давоми 2-бетда

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОР
нуфузли ташкилотлар вакиллари Тошкентда тўпладиБУЮК БРИТАНИЯДАГИ
ВАТАНДОШЛАР ТАШАББУСИ
БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ХАЙРИЯ
ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА
БУХОРОДА БИР НЕЧА МИНГ
ТУП ДАРАХТ ЭКИЛДИ

Жорий йил 12-13 ноябрь кунлари Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонаси кўмагида Буюк Британияда истиқомат қилаётган бир гуруҳ ватандошлар ва фаоллар томонидан илгари сурилган “Бухоро — яшил макон” хайрия лойиҳасининг сўнгги босқичи доирасида Бухорода даракт кўчатлари ўтказилди.



Умумий ҳисобда Бухорони кўкаламзорлаштириш ва шаҳар ҳавоси сифатини яхшилаш ҳамда сув тошқинларининг олдини олиш кампанияси доирасида 6,5 минг туп даракт ва бута кўчатлари экилди. Ўзбекистон ландшафт санъати ассоциацияси ва бир қатор кўнглилар лойиҳанинг асосий ташаббускори, Бухоро шаҳри ҳокимлиги эса қабул қилувчи томон сифатида қатнашди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 100 минг евро ташкил этади. Бу Британиядаги ўзбек диаспораси ва тадбиркорлар орасида ўтказилган кенг тарғибот ва ташвиқот ишлари натижаси ўлароқ ҳамда ЕТБнинг махсус жамғармаси томонидан яшил ривожланиш соҳасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган маблағларни жалб қилиш орқали тўпланган.

Лойиҳа ташаббускори ва менежери, ҳозирги пайтда ЕТБнинг Озарбайжондаги ваколатхонаси раҳбари сифатида фаолият юритаётган Камола Маҳмудова ва унинг лойиҳа ҳамкори — Кембриж университети доктори Тимур Юнусовнинг фикр билдиришларига, лойиҳа илғор илмий-тадқиқотлар, шунингдек, Бухоронинг иқлим шароитлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилган.

ЕТБ томонидан ушбу ташаббус фаол қўллаб-қувватланишининг аҳамияти жиҳатларидан бири, мазкур лойиҳа нафақат Ўзбекистон миқёсида, балки бутун минтақада ижтимоий ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган илк хусусий лойиҳа эканлигидадир. Келгусида ЕТБ кўмагида ушбу дастурни Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам амалга ошириш режалаштирилган.

“Дунё” АА
Лондон

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири Агрипина Шин Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича II жаҳон конференцияси раиси этиб сайланди.

— Замонавий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча жабҳаларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида устувор йўналишлардан бири сифатида инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айниқса, эрта ривожланиш ва таълим, мулолағасиз, давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. 2017 йили Мактабгача таълим вазирилик ташкил этилгандан бундан болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга ошди. Айни пайтда икки миллиондан ортиқ бола боғчаларда таълим-тарбия олиш имкониятига эга, — деди Агрипина Шин. — Агар дунёни ўзгартирмоқчи бўлсак, таълим сифатини янгилашимиз керак. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз тўғрисида ўқитиш ва тарбия тизимини глобал миқёсда ўзгартаришга таъсир кўрсатишимиз мумкин. Фарзандларимиз келажаги учун таълимни янада яхшилашимиз керак, деб ҳисоблаймиз. Зотан, дунёнинг келгуси тараққиёти учун барчамиз масъулмиз.

Форум таълимни ўзгартариш бўйича яқинда ўтказилган БМТ саммитининг мантқиқий давоми бўлиб, унда кичик ёшдаги болаларни ўқитишга алоҳида аҳамият бериш бош мақсад этиб белгиланган. Аввалроқ ЮНЕСКО дунёда 5 ёшдаги ҳар тўртинчи бола ҳеч қачон мактабгача таълим хизматидан фойдаланмагани, жаҳон мамлакатларининг ярмидан камроғидоғина мактабгача ёшдаги болалар текин ўқиши таъминлаётгани ҳақида маълум қилган эди.

— Таълимни глобал кун тартибининг асосий мақсади сифатида ўзгартариш гоёси бизни билдиришди, — деди ЮНЕСКО Бош директори ўринбосари Стефания Жаннини. — Таълим ва тараққиёт ютуқларидан тенг фойдаланиш, педагогикага инновацияларни жорий этиш ҳамда мураббийларга ёрдам бериш — инсон ҳуқуқлари соҳасида ЮНЕСКОнинг фундаментал қадриятларига асосланган масалалардир. Биз барчани ЮНЕСКОнинг Тошкент декларацияси мазмунини устида ҳамжихат ишлашга чақирамиз. Зеро, болаларнинг эрта ривожланиши муштарак мақсадимизнинг муҳим қисми сифатида ҳужжатда ўз ифодасини топади.

Ушбу нуфузли конференция орқали юртимизда мактабгача таълим тизимидаги



илғор тажрибаларни кўрсатиш, жаҳон ҳамжамияти эътиборини соҳадаги муаммолар ва уларни ҳал этишга қаратиш имконияти мавжуд. Ушбу платформа ёрдамида мамлакатимизда мактабгача таълим соҳасига сармоа киритиш ва илғор халқаро тажрибаларни ўзлаштириш борасида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ҳам кўзда тутилган.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясидаги 39-мақсад мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган. Бу бежиз эмас. Илмий кузатиш ва тадқиқотларга кўра, инсон ҳаёти давомида оладиган барча маълумотнинг етмиш фоизини беш ёшгача бўлган даврда олиб улгуради. Бу паллада бола дунёни англайди, она тилини ўзлаштиради. Юрагида ота-онаси, оиласи, маҳалласи, Ватанига меҳри уйғонади. Уми давомида оладиган билимларга замин ҳозирлайди.

Мамлакатимизда мактабгача таълимга узлуксиз таълим тизимининг ажралмас бўлаги сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2017–2021 йилларда қилинган ишлар мисолида бунга яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, 2017 йилда мамлакатимиз бўйича 5 минг 211 та мактабгача таълим ташкили бўлган. Ҳозир улар сони беш баробар ортиб, 28 минг 12 тани ташкил этмоқда. Тизимга ажратилган маблағ салмоғида ҳам ўзгариш катта.

Бундан беш йил аввал мактабгача таълим тизимига 2 триллион сўм ажратилган бўлса, бу йил учун 9,5 триллион сўм йўналтирилди.

Ўтган беш йилда болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси икки баробардан ошди. Тизимда яратилган яна бир қулайлик ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун мактабгача таълимнинг текин муқобил турлари жорий этилди. Жумладан, “Ақлвой” лойиҳаси доирасида юртимиздаги мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган ҳамда қамров кўрсаткичи паст 142 та маҳалла фуқаролар йиғинида 387 та мобил гуруҳ шакллантирилди. Бу тизим 65 та автобус негизида йўлга қўйilib, 7 мингга яқин болани қамраб олди.

Ўтган ҳафтада жаҳон оммавий ахборот воситалари халқаро тадқиқот натижаларини эълон қилди. Унга кўра, 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни мактабгача таълимга қамровнинг ўсиши бўйича Ўзбекистон жаҳон рейтингига биринчи ўринни эгаллагани ҳам қилинган ишлар самарасидан дарак беради.

Мактабгача таълим вазирилик томонидан алоҳида эътиборга эга бўлган болаларнинг таълим-тарбияси ҳам четда қолмади. Жумладан, инклюзив таълим ташкиллари ва имконияти чекланган болаларга ёрдам кўрсатишининг янги чора-тадбирлари қўлланди. Нукус, Қарши, Зарафшон

шаҳарлари ва Қибрай туманида реабилитация марказига эга кўп тармоқли ихтисослаштирилган ва кўша турдаги мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда 74 та кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларда имконияти чекланган, ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонли болаларнинг таълим ва тарбияси амалга оширилмоқда. Утган йили барча кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилотлари реабилитация ускуналари билан таъминланди. Соҳадаги ижобий натижалар жаҳон миқёсида ҳам эътиборга эришилган. ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган нуфузли анжуманда яна бир бор тасдиғини топди.

— Ушбу конференция таълим сиёсатини такомиллаштириш масаласини кўриб чиқишимиз учун бизга берилган яна бир имконият. Ўқув дастурларини алоҳида муҳокама қилишимиз керак. Бу жуда муҳим, — деди Корея Республикаси Халқаро тадқиқотлар ва маълумотларни таҳлил қилиш бошқармаси раҳбари Мигён Мун. — Ўқув дастурларини ўзгартариш ҳақида сўз кетганда гап синфда ўқитилмаган айрим фанларнинг саволлари ҳақида эмаслигини тушунишимиз керак. Бу ўринда оилаларда кўтарилган масалаларни ҳам назарда тутялмиш. Фарзандларимиз яшайдиган муҳит ҳақида сўз борапти. Ўқув дастурларини ишлаб чиқувчилар ўқитилмаган фанлар билан бирга, болалар яшайдиган муҳитни, хусусан, маҳаллалардаги, оилалардаги муҳитни яхшилашга ҳам эътибор қаратиши керак. Шундангина келажақда сифатли таълим учун асос бўладиган тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқишимиз мумкин.

Конференция доирасида соҳага доир товарлар, хизматлар ва инновацион маҳсулотларнинг халқаро кўргазмаси, матбуот анжуманлари ва маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасига жалб этиладиган инвестиция оқимини кўпайтиришнинг устувор йўналишлари ва стратегиялари ҳам белгиланаётир.

Конференция якунида 2030 йилгача мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича халқаро ишларнинг йўналишини белгиловчи Тошкент декларацияси тасдиқланади. Мазкур ҳужжат конференция доирасидаги маслаҳат сессиясида тайёрланади ва БМТнинг опитта расмий тилига таржима қилиниб, ЮНЕСКОга аъзо барча давлатларга тарқатилади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

МИННАТДОРЛИК

Президентимизнинг шу йил 18 март куни тиббиёт ходимлари билан очик мулоқоти соҳада мутлақо янгича бурилиш ясади. Тизимдаги камчиликлар, тиббиёт ходимларига узоқ йиллардан бери оғриқ бериб келаётган муаммолар рўй-рост айтилиб, уларнинг ечимини бўйича ўринли таклиф ва тавсиялар берилди. Ҳатто энг чекка ҳудудлардаги оилавий поликлиникалар муаммолари ҳам эътибордан четда қолмади.

ҲОЗИР ВАҚТИМИЗ ЎЗИМИЗНИКИ
илгари мавсумий юмушлару
ҳашардан ортмас эдик

Зулфия ҲАКИМОВА,
Тошкент туманидаги
“Н.Боймухамедов” қишлоқ
врачлик пункти мудири,
I даражали “Соғлом авлод учун”
ордени соҳиби



Қишлоқ врачлик пунктимиз тўртта маҳаллада истиқомат қилувчи 17 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Асосий фаолиятимиз аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, касалликларни эрта аниқлаш, скрининг текширувлар ўтказиш, тўғри овқатланишни тарғиб қилиш, касалланишнинг олдини олишга қаратилган. ҚВПда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари хонадонларга бирма-бир кириб, юртдошларимиз саломатлиги билан яқиндан танишади. Уларни безовта қилаётган хасталик, наслик касалликларни таҳлил қилиб боради.

Президентимизнинг тиббиёт соҳасига эътибори тўғрисида бизнинг бундаги муҳим ислохотлар бизга етиб келмоқда. Чекка ҳудудлардаги оилавий поликлиникалар ҳам замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланяпти, лаборатория таҳлиллари уларнинг ўзидан ташкил этилмоқда. Олдин кўп тармоқли марказлардагина аҳоли учун чуқур текширувлар, лаборатория таҳлиллари ўтказиларди. Айни пайтда ҳар бир ҳудуддаги оилавий поликлиникада бундай имконият мавжуд.

Илгари тиббиёт ходими учун кераксиз бўлган ортиқча йиғилишлар, текширувлардан ташқари, турли мавсумий ҳашарлар, жумладан, пахта йиғим-теримларидан ортмасдик. Ўз устимизда ишлаш у ёқда турсин, аҳолига вақт ажрата олмас эдик. Ҳозир, энг аввало, мана шундай кераксиз югур-югурлардан қутулдик. Тиббиёт ходими сифатида вазирамизни бажаришимизга имконият берилди, аҳоли билан ишлашимиз учун

вақтимиз етарли. Бундан 5–6 йил аввал соҳа ходимлари ихтисослиги бўйича малака ошириш учун Республика врачлар малакасини ошириш марказига юбориларди. Ҳозир ҳар бир вилоятда, туманларда сайёр курслар ташкил этилиб, ишдан ажралмаган ҳолда, ўз устимизда ишлашимизга шароит яратилляпти.

Юртимизда соғлиқни сақлаш ходимларига қаратилаётган юксак эътибор ҳамда меҳнатимиз муносиб қадрланаётганидан мамнунмиз. Яқинда давлатимиз раҳбари фармонига биноан, тақдирланган бир гуруҳ ҳамкасбларим орасида менинг ҳам исм-фамилиям борлигини кўриб, қувондим. Қарийб 20 йилдан бери шу соҳада ишлайман. Танлаган касбимни жон-дилдан яхши кўраман. Бу шифокорлар оиласи фарзанди бўлганим, шу муҳитда камол топганим тўғрисида бўлса керак. Онам 40 йилдан ортиқ умрини шифокорликка бағишлаган. Шу боис, бу йўлда эришган барча ютуқларимни, аввало, илк устозим — онамники деб биламан.

Бошланиши 1-бетда

ЮРАКЛАР СОҒЛОМ УРИШИ УЧУН
давлат эътиборни ҳам, маблағни ҳам аямаяпти

Музаффар ЖўРАЛИЕВ,
Болалар миллий тиббиёт маркази
кардиология бўлими шифокори,
“Шухрат” медали соҳиби



Шу марказда ишлаётганимга икки йилга яқин вақт бўлди. Бу йил давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги арафасида “Соғлиқни сақлаш аълочилиси” кўкрак нишони билан тақдирландим. Кунини кеча Президентимизнинг “Тиббиёт ходимлари кунини муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига биноан, “Шухрат” медалига лойиқ қўрилдим. Очғин, бу мен учун қутилмаган воқеа бўлди. Камтарона хизматим юксак эътирофга муносиб топилганидан бошим кўкка этди.

Ўтган мuddатда кардиология йўналишида эришилган салмоқли ютуқларга гувоҳ бўлдим. Қўлланаётган янги усуллар туғма юқсонли билан дунёга келган болаларнинг дарддан фориғ бўлиб, саломатлигини тиклашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда катта ҳажмдаги жарроҳлик амалиёти қисқа мuddатда танага тиф теккизмаган ҳолда самарали бажарилади.

Юрак туғма нуқсонини томир орқали эндоваскуляр усулда ҳам даволаялмиш. Бунинг ноблиги шундаки, қалинлиги 2-3 миллиметрли махсус катетер каби тиббий анжомлар бола юрагига томир орқали киргизилади. Унинг ёрдамида юрак ичи гемодинамикаси ўрганилади. Томир ва клапанларда тарайиш аниқланган тақдирда махсус баллон катетер ёрдамида кенгайтирилади. Агар юракда тешик аниқланса, окклюдер ўрнатиш амалиёти ўтказилади. Бу ишларнинг барчаси 30 дақиқада бажарилади. Қисқа мuddат давом этгани учун беморга катта миқдорда наркос юборилмайди. Танада эса ҳеч қандай жароҳат изи қолмайди. Хаста юрак эгаси 30 дақиқада соғлом болага айланади.

Илгари бу каби операцияларнинг барчаси кўкрак қафасини кесиб, бола юрагини сунъий қон айланиш аппаратида улаган ҳолда,

“ ҲОЗИР КЎКРАК ҚАФАСИ, ҚОРИН БЎШЛИГИДАГИ ТУҒМА НУҚСОНЛАР КАМИНВАЗИВ ВА САМАРАДОР УСУЛЛАРДА ҚИСҚА МУDDАТДА ТИФ ТЕККИЗМАСДАН БАРТАРАФ ЭТИЛЯПТИ. ТАБИЙИКИ, БУ, АВАЛЛО, БЕМОР БОЛАЛАРНИНГ ОТА-ОНАСИГА КАТТА УМИД БАҒИШЛАЙДИ, КЎНГЛИГА ХОТИРЖАМЛИК БЕРАДИ. ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАНДАН СЎНГ УЛАРНИНГ ҚУВОНЧИНИ КЎРИШ, МИННАТДОРЛИГИНИ ЭШИТИШ БИЗНИ ҲАМ МАМНУН ҚИЛАДИ.

3-4 соат давом этган. Жарроҳлик амалиётидан кейин бемор 3-4 кун жонлантириш бўлимида ётган, ундан сўнг 6 ойлик тикланиш босқичини ўтаган.

Ҳозир кўкрак қафаси, қорин бўшлиғидаги туғма нуқсонлар каминвазив ва самарадор усулларда қисқа мuddатда тиф теккизмасдан бартараф этиляпти. Табиийки, бу, аввало, бемор болаларнинг ота-онасига катта умид бағишлайди, кўнглига хотиржамлик беради. Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтганидан сўнг уларнинг қувончини кўриш, миннатдорлигини эшитиш бизни ҳам мамнун қилади.

мустаҳкамлашга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси.

Айни кунларда Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳрида туғма юрак нуқсонли билан оғриган мингдан ортиқ болани кўришдан ўтказялмиш. Операцияга муҳтожларини саралаб, жарроҳлик амалиётига тайёрлаялмиш. Бемор болаларнинг кўпи шу ернинг ўзидан операция қилинади. Бу ота-оналарнинг пойтахтга овора бўлиб бориши, ортиқча сарф-харажат, сарсон-саргардонлигининг олдини олади. Фақат энг мураккаб жарроҳлик амалиёти талаб этиладиганлари Болалар миллий тиббиёт марказига олиб борилади.

“САМАРҚАНД МУЛОҚОТИ”

Туркий дунёнинг қайта

тикланаётган қудрати

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ



Салим ДОНИЁРОВ

“Самарқанд Туркий дунё гуруридир” ёхуд Ота юртга билдирилган эътирофлар

Тарихда инсоният тақдирига дахлдор ва тамаддун бешиги бўлиб келган шаҳарлар санокли. Улардан бири — Самарқанд. Бу ҳақда биз мақолаимиз аввалида гапирдик. Шу боис, энди кечаги саммитда бу шаҳарга олий даражада берилган таърифлар, эътирофлар ва Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий руҳи, Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятига тааллуқли фикрларга тўхталмоқчимиз.

Қозғоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев “Самарқанд Туркий дунё гуруридир”, “Бу шаҳарни Буюк ипак йўлининг олтин кўприги, деб айтишади”, “Туркий оламнинг ота юрти”, деган эътирофларни айтиб ўтди.

“Ўзбекистонга бир неча йил олдин келган эдим. Қисқа вақтдаги ўзгаришларни кўриб ҳайратда қолдим”, “Биз Туркий давлатлар ташкилотини “тинчлик форуми”, деб атаёмиз. Барчангизга тинчлик гоёларини илгари сураётганингиз учун миннатдорлик билдираман”, деди Венгрия Бош вазيري Виктор Орбан.

Туркий давлатлар етакчилари билан Буюк ипак йўлининг бутун тарихи давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган қадимий Самарқанд шаҳрида учрашиб турганидан хурсандлигини билдирган Қирғиз Республикаси Президенти Сади́р Жапаров “Хурматли Шавкат Миромонович, меҳмондўстлик ва тадбир аъло даражада ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдираман, шунингдек, Сизни Ташкилотга раислик лавозимини эгаллаганингиз билан табриклайман”, дея дўстона тилақларини изҳор қилди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев “Ўтган 7 ой ичида қардош Ўзбекистонга учинчи таширфим. Апрель ойида давлат таширфи билан Ўзбекистонда бўлдим, сентябрь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар саммитида иштирок этдим. Буеун яна Самарқанд шаҳрида эканимдан хурсандман. Ушбу таширфлар давомида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенга кўламли бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Биродарим, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни ва қардош ўзбек халқини эришилган муваффақиятлар билан табриклайман. Таширфлар давомида Президент Шавкат Мирзиёев билан бўлган суҳбатлар Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари янада юксак босқичга кўтарилганидан далолат беради”, деди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган биродар ва дўст мамлакатларимиз олдидаги катта вазифаларга шундай баҳо берди: “Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд саммити юқори даражада ташкил этилди. Ишончим комилки, Қозғоғистон ҳам кейинги саммитни ана шундай юқори даражада давом эттиради”, “Биз Туркий давлатлар ташкилотини инвестиция жамғармасини имкон қадар тезроқ амалга оширсак, шунча фойдали бўларди. Бундан ташқари, ушбу жамғарма бизга қайси йўналишлар бўйича кўмаклашишини аниқлаб олишимиз керак.

Бошланиси 1-бетда

Бу йиғилишнинг тарихий жиҳатини Президентимиз Шавкат Мирзиёев жуда таъсирли ифодалади: “Бугунги саммитимизнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, кўп миң йиллик тарихимиз давомида туркий оиламиз мана шундай тўлиқ шаклда, янгиланган ташкилотимиз доирасида йиғилиб турибди”.

Мана шундай кутаринки руҳда Самарқанд саммитининг бир қатор ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Авалло, нега айнан ноябрь ойи?

Куз — сарҳисоб палласи. Бу фаслда йил бўйи қилинган ишлар, олдимизга қўйилган мақсадларга эришилганлик даражаси, режалар рўйбўни тахлил қилишга одатланганмиз. Шулардан келиб чиқиб, келаси йилнинг тарҳини чизамиз, олдимизга янги режа ва мақсадлар қўямиз. Бутун дунёда шундай.

Шу маънода, давлатлар, халқаро ташкилотлар миқёсида олсак ҳам, куз фасли ҳисобот даври эканини кўриш мумкин.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи мамлакатлар етакчиларининг куз фаслида учрашиши ҳам бежиз аънаанага айлангани йўқ. Келинг, Ташкилотнинг 2018 йилдан бугунга ўтказиб келинаётган саммитлари санасига эътибор қаратамиз. Чунки айнан 2018 йил 3 сентябрь куни Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган олтинчи саммитда Президент Шавкат Мирзиёев фахрий меҳмон сифатида иштирок этган эди. Шу куни Венгрия Туркий кенгашида кузатувчи мақомини олган.

Еттинчи саммит 2019 йил 15 октябрь куни Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтди. Бу сафар Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитида илк бор тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қатнашди.

“ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ БИЛАН БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ БУТУН ТАРИХИ ДАВОМИДА ШАРҚ ВА ҒАРБНИ БОҒЛАБ ТУРГАН ҚАДИМИЙ САМАРҚАНД ШАҲРИДА УЧРАШИБ ТУРГАНИДАН ХУРСАНДЛИГИНИ БИЛДИРГАН ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САДИР ЖАПАРОВ “ХУРМАТЛИ ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ, МЕҲМОНДЎСТЛИК ВА ТАДБИР АЪЛО ДАРАЖАДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИ УЧУН САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК БИЛДИРАМАН, ШУНИНГДЕК, СИЗНИ ТАШКИЛОТГА РАИСЛИК ЛАВОЗИМИНИ ЭГАЛЛАГАНИНГИЗ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМАН”, ДЕЯ ДЎСТОНА ТИЛАКЛАРИНИ ИЗҲОР ҚИЛДИ.

Саккинчи саммит 2021 йил 12 ноябрь куни Истанбулдан жануби-шарқда жойлашган ҳамда Туркия учун тарихий аҳамиятга эга бўлган Демократия ва озодлик оролида бўлди. Шу йиғилишда Туркманистонга Ташкилотнинг кузатувчи мақоми берилди.

Демак, Туркий давлатлар ташкилотининг 11 ноябрь куни бўлиб ўтган Самарқанд саммити аҳамиятли томонидан бири бу — ўзаро келишилган режаларни йил якунига қадар тизимлаштириб, уларни янги йилдан тўлақонли амалга оширишга киришиш учун фурсат бўлиши ҳамдир.

Албатта, Ўзбекистон томони ўз раислиги даврида Ташкилот нуфузини янада ошириш, тарихи, тили, маданияти муштарак бўлган қардош халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқишга интилади.

“САМАРҚАНД ЯНА ШУНИСИ БИЛАН ДУНЁНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛИБ ТУРИБДИКИ, ТАШКИЛОТИМИЗНИНГ БУ ҚЎҲНА ВА БОҚИЙ ЗАМИНДА ЎТГАН САМИТИ ТУРКИЙ ДУНЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХИДА ЯНГИ НУКСАЛИШ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРИШИГА УМИД БИЛДИРИЛМОҚДА.

Биз турли йиғилишларда ана шундай масалаларни муҳокама қилиб, қарор қабул қилишимиз лозим. Бу механизм барчамиз учун фойдали бўлади”.

Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов “Ўтган йили Туркманистон Туркий давлатлар ташкилотига кузатувчи сифатида қўшилган эди. Бу эса биродар давлатлар билан ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаради. Биз туркий давлатлар билан стратегик масала сифатида иқтисодиёт, савдо, sanoat, энергетика, транспорт, экология, маданият ва инсонпарварлик йўналишларидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишларни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз”, деган ҳаётий долзарб масалаларни илгари сурди.

Бу каби самимий ва дўстона руҳдаги фикрлар, таклиф ва ташаббуслар Туркий цивилизациянинг янги даври бошланаётганидан далолат беради, албатта. Зеро, умумий тараққиёт ва фаровонлик сари интилаётган халқларимиз фақатгина биргаликда, бирдамликда кўзланган натижага эришиш мумкинлигини аллақачон англаб етган.

Ўзаро меҳрдошлик ифодаси

Туркий давлатлар ва халқларимизнинг эзгу мақсаду муддаolari Янги Ўзбекистондаги конструктив фаол ташқи сиёсат фониди янада жўшқин тус олди. Гап шу ҳақда кетганида, Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятининг ҳаётимиздаги амалий натижаларини ҳам айтиб ўтиш ўринли бўлади.

Авалло, таъкидлаш жоизки, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи давлатлар раҳбарлари фақатгина расмий йиғилишларда ёки ўрнатилган протокол асосида иш кўрмайди. Бугун туркий давлатларнинг ягона аҳил оиласи пайдо бўлмоқда. Бу ҳақда сал кейинроқ тўхталамиз.

Ҳозир эса Ташкилот фаолиятининг амалий натижаларига қайтамыз. Бу, биринчидан, туркий давлатларнинг ўзаро боғлиқлик сиёсатини қўллаётганида намоён бўлади.

Биргина мисол. Бош вазир Виктор Орбан Самарқанд саммитида Туркия Президенти Венгрияга бугунги коридорини очиб бергани, қочоқлар масаласини ҳал қилишда фаоллиги учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Бу илққ вазиятда фақатгина сиёсий-дипломатия ёки иқтисодий манфаатлар нуктаи назардан қараш хато бўлади, бизнингча. Бу Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи мамлакатлар раҳбарларининг ўзаро хайрихоҳ муносабатларидан ёрқин мўжадир. Шунингдек, Ташкилот йиғилишларида илгари сурилаётган ташаббусларнинг амалий ифодаси ҳам саналади.

Яна бир мулоҳаза. Туркий давлатлар минтақавий йирик лойиҳаларни амалга оширишда бир-бирига беғарас кўмак бериб келмоқда. Бу янги транспорт коридорларини очиб, электр энергияси, сув таъминоти, экология масалалари,

ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, маданий-маърифий алоқаларни, туризмни ривожлантириш, туркий ёшларни бир мақсад йўлида бирлаштириш каби жиҳатларда ўз аксини топади. Буларнинг барини бир нуктага жамласак, туркийлар бирдамлиги намоён бўлади. Ўзаро меҳрдошлик ифодасини кўрамыз.

Туркий дунё ўз соғинчлари билан ҳам ҳаяжонли ва қадрлидир

Самарқанд саммитида 2023 йил Ташкилот доирасида “Туркий цивилизациянинг юксалиши йили”, деб эълон қилинди. Бу тасодифий қарор эмас, албатта.

Президентимиз Туркий давлатлар ташкилоти раҳбарлари кенгаши йиғилишида сўзлаган нуктада, жумладан, шундай деди: “Туркий дунёимизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихи, улуг аждодлари ва беқиёс бойликлари бор.

Ва мен ишонаман, Туркий дунёни буюк келажак кутмоқда. Бу келажакни, ҳеч шубҳасиз, меҳнатқаш, бағрикенг ва олижаноб халқларимиз билан биргаликда яратамиз”.

Шу нуктаи назардан англаш керакки, бугун бизнинг биродар халқларимиз олдида ниҳоятда катта вазифа, инсоний бурч турибди. Бу йўлда барчамизни Туркий дунё соғинчлари бирлаштираётгани, аждодларимиз армонлари ушлаётгани ҳам Аллоҳнинг бизга марҳамати бўлса, не ажаб!

Самарқанд яна шуниси билан дунёнинг диққат марказида бўлиб турибдики, Ташкилотимизнинг бу қўҳна ва боқий заминда ўтган саммити туркий дунё цивилизацияси замонавий тарихида янги юксалиш босқичини бошлаб беришига умид билдирилмоқда.

Ҳа, бу тарихий ҳақиқат, янги дунёнинг замонавий эҳтиёжидир.

Келинг, ўтган ҳафтада туркий давлатлар раҳбарларининг бу мақсад йўлидаги илк бошламаларига эътибор қаратамыз.

Биринчидан, Туркий цивилизациянинг эзгу гоёларини ўзида ифода этган Самарқанд декларацияси имзоланди.

Иккинчидан, Самарқанд “Туркий цивилизация пойтахти”, деб эълон қилинди.

Учинчидан, “Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси” маъқулланди.

Тўртинчидан, туркий дунё ёшларини бирлаштирувчи тадбирларни мунтазам ўтказишга келишиб олинди. Шу мақсадда Ташкилот Бош котибининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш таклифи илгари сурилди.

Бешинчидан, Ўзбекистон Туркий маданият халқаро ташкилотига аъзо бўлди.

Олтинчидан, Ташкилотда институционал ислохотлар ўтказишга келишиб олинди.

Мана шу жиҳатлар бирлашиб, Туркий цивилизацияни бошлаб бериши, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев руҳлантираётган Учинчи Ренессанс ҳодисасига йўл очиши шубҳасиз.

Бу, бир томондан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган мақсадларимизга ҳамоҳанглиги билан ажрალიб турса, иккинчи томондан, таҳликали замонда геосиёсий хатарларнинг олдини олишга замин яратяди.

Олий мукофотнинг руҳий қуввати

Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд саммити маънавий-маърифий, маданий жиҳатдан ҳам ажрალიб турди. Хусусан, ўзининг 30 йиллигини нишонлаётган Ташкилот доирасида келгуси йили туркий халқлар маданияти фестивалини ўтказишга келишиб олинди.

Туркий давлатлар ташкилотининг 2021 йил ноябрь ойида Туркияда бўлиб ўтган саммитида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан туркий дунё бирлигига салмоқли ҳисса қўшган улуг мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилган эди.

Самарқанд саммитида унинг илк соҳиби туркий дунё бирлигига улкан ҳисса қўшган, бир умр туркийлар қайғуси билан яшаб, ижод қилган

дунёга таниқли адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов бўлди.

Бу олий мукофотни топириш маросимида “Буюк адиб ва жамоат арбоби, улуг гуманист, марҳум Чингиз Айтматов барча халқларимизнинг чин дўсти, туркий тарих ва маданиятини бутун дунёга тараннум этган бетакрор ижодкор, улмас асарлари орқали азалий урф-одат ва олижаноб қадриятларимизни жаҳондаги миллионлаб инсонлар қалбига муҳрлай олган мутафаккир шахс эди”, деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

“Чингиз Айтматов орамизда йўқ, мукофотни унинг ошласига берамиз. Мукофот Айтматов музейига жойлаштирилади”, деди катта фахр билан Қирғиз Республикаси Президенти Сади́р Жапаров.

Ҳозир Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот билан биринчи бўлиб тақдирланган Чингиз Айтматов ҳақида ўйлар эканмиз, буюк адибимизнинг мана бу гапи ёдимизга тушди.

“Биз ўтмишимизни ўз қўлларимиз билан сндириб ташладиқ, ўз оёқларимиз билан ерга топтаб юбордик. Ўзимизнинг жоҳиллигимиз туфайли буюк гоё сўниб кетди. Агар халқ хотираси ўша гоёни уйғотмаса, халқнинг ўзи ўша гоёни кўтармаса, энди уни ҳаётга қайтариш ниҳоятда машаққатли бўлади...”, деган эди XX аср сўнггида Чингиз гоё.

Бу ҳаётий ўқинч ва зўр илқинг умиди ниҳоят шу кунларда рўёбга чиқа бошлаганидан қувонамыз.

Самарқанд саммити доирасида Президентимиз таклифи билан таъсис этилган “Олий даражали Имом Бухорий” ордени ислом маърифатини кенг ёйиш, дунё миқёсида мусулмонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва бирдамлигини таъминлаш, диний бағрикенгликни қарор топтириш, ёшларни эзгулик руҳида тарбиялаш йўлидаги улкан хизматларининг муносиб эътирофи сифатида Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғани таъин қилди.

— Ҳадис ва фикҳ илмининг чуққиси бўлган Имом Бухорий номидаги бу қимматли мукофотни олишдан улкан шараф ва гурур туяман. Шавкат Мирзиёевни илк таниган паитларимдан бўён Имом Бухорий меросидан намуналар келтириб сўзлагани учун менда қардошимизга фарқли бир ҳурмат-муҳаббат пайдо бўлган. Унинг савъ-ҳаракатлари билан Самарқандда илм дароҳлари курлди, Туркия ва Ўзбекистон олимлари яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Бу ордени халқларимиз ўртасида азалий ва абодий қардошлиқнинг, ҳамма соҳада ривожланиб бораётган муносабатларимизнинг кучли рамзи сифатида қабул қиламан. Ўзим ва миллатим майдан бу юксак эътибор учун Ўзбекистон Президенти ва халқига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман, — деди Режеп Таййип Эрдоган.


Мана шу ҳар икки улуг мукофот бизнинг халқларимизга руҳий қувват бериб туради. Боси, Имом Бухорий мероси қадим заминдан маънавий-руҳий дунёимизни бойитиб келаётган бўлса, Мир Алишер Навоий бобомизнинг туркий тилдаги ижоди ҳамон фитратимизда яшаб, ички оламимизни безаб турибди.

Шундай экан, туркий дунё халқларининг бирдамлиги муборак, Имом Бухорий ва Ҳазрат Навоий боболаримизнинг руҳлари шод бўлсин, деймиз.

Биз юқорида туркий давлатларнинг ягона, аҳил оиласи пайдо бўлаётгани ҳақида айтган эдик. Бунинг таърифи шундайки, бугунги таҳликали дунёда барча давлатлар тарихий туташ илдишларини мустаҳкамлашга киришди. Ўзаро боғлиқлик руҳидаги янги муносабатлар гоёт қадрли ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўла бошлади. Шу маънода, қадимги туркий эллар ўзгараётган замонавий дунё фониди янги жипислик маконига қайтишга киришди.

Бунда, аввало, туркий давлатлардаги тилмочсиз ҳам тушунарли мулоқот макони қулайлиги қўл келса, иккинчи томондан, туркий замин қувватлиб турган тарихий манзилларда туркий давлатлар раҳбарларининг мунтазам учрашувлари йўлга қўйилгани ҳам халқларимиз ўртасидаги қондош алоқаларни тиклашга имкон беради. Пировардида, туркий давлатларнинг мустаҳкам оиласи шаклланиб, дунёга ўз сўзини айтишига замин яратилади.

Бир сўз билан айтганда, Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд саммити Туркий цивилизацияга замин сифатида бўй кўрсатиб, лажувард дунёнинг қайта тикланаётган қудратини ўзида намоён этгани билан ҳали кўп эсланади.



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН — ВЕНГРИЯ:
ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДАГИ
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Фазлиддин МҮМИНОВ,
Иновацион ривожланиш
вазирлиги бошқарма
бошлиғи

Технологик янгиликлар, илмий ишланмалар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини боғловчи механизмга айланаётган ҳозирги даврда халқаро ҳамкорликни кенгайтирмасдан туриб, жаҳон бозорида рақобатбардошликка эришиш бўлмайди. Халқаро ҳамкорликдаги қўшма лойиҳалар иккала томоннинг ҳам умумий манфаатларига хизмат қилади.

Рақамлаштиришнинг
муҳим омили

Биз кундан-кунга маълумот кўпайиб бораётган дунёда яшаймиз. Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, 2025 йилга бориб маълумотлар миқдори 175 зеттабайтга етади. Бу жуда катта кўрсаткич. 2019 йилда бу кўрсаткич атиги 40 зеттабайтни ташкил этган.

Иқтисодиёт тармоқлари ривож ва муваффақиятли бизнес юритиш учун бундай маълумотларни тўғри бошқариш муҳим. Бунда бизга келажак касбларининг энг истиқболли соҳаларидан бири — IT катта қўмакчи бўлади. Бу борада Венгрия билан ҳамкорликда "Big data" платформаси яратилмоқда. Катта маълумотлар йиғиндисини аналитиклар мазкур платформа бир вақт-

харид қилмоқчи бўлса, у ҳақида дарҳол маълумотлар тўпланиб бораверади. Қидирув майдонига харидор томонидан киритилган барча маълумот — ўқигани, ёзгани ёки истаклар рўйхати ва саватга жойланган харидлар ҳақида ахборот йилгилади. Булар мақсадли таҳлилий таргет усулини қўллаган ҳолда мижозга янги махсулот таклиф этишда қўлланади. Шу тариха веб-сайт харидорини шахсан танийдиган бўлиб қолади. Эҳтиёжлар, истаклар, ниямларини харид қилишни ёқтириши ҳақида билиб олади.

Шифоҳона ва клиникалар мисолида оладиган бўлсак, бундай муассасаларда ҳар йили катта ҳажмдаги маълумотлар тўпланади. Улар таҳлил синамалари, текширув натижалари ва шифокор маслаҳатлари кабилардан иборат бўлиб, даволаниш яхшилаш, ҳарajatларни камайтириш, беморларни яхши тушунишга имкон беради.

Ахборот хавфсизлигида
ишончли ҳимоя

нинг ўзида зарур ахборотларни йиғиш, саралаш ҳамда ишончли ҳимоя қилиш имконини беради. Киберхужумлар авж олаётган бугунги кунда бунинг аҳамиятини англаш қийин эмас.

Оддий, содда туюлган соҳа — қишлоқ ҳўжалиги ҳам бугунги кунга келиб замонавий технологиялар оқимига уйғунлашиб кетди. Ҳозир фермерлар ва соҳа мутахассисларига рақамли технологиялар ёрдамга келмоқда. Катта маълумотлар ("Big data") базаси ва уларни таҳлил қилиш имконияти ҳосилни йиғиб олиш учун қўлай вақтини белгилашда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, мазкур платформа уйғунлаш схемасини ҳисоблаб чиқиш, мониторинг қилиш, ҳосилни прогнозлаштиришга ҳам ёрдам беради.

Бугун глобал миқёсда даярли барча соҳаларда рақамли технологиялардан фойдаланиш тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бежиз уни катта маълумотлар, деб атамаймиз. Ақли қурilmалар тупроқ, ўсимликлар параметрлари, микроклимни ўлчайди ва маълумотларни узади. Датчиклар, коинотдан олинган суратлар, дронлар, метеорологик станциялар ва бошқа ускуналardan олинган маълумотлар "Big data" ни шакллантиради. Маълумотлар махсус иловалар билан таҳлил қилинади ва геопорталга жойлаштирилади. Қарабиски, соҳа вакилларининг таваққал қилиб, об-ҳаводан ўчишига ёки бирор экин ҳосилини олдиндан баҳолашда иқлиманишига ҳожат қолмайди. Геопортал орқали экинни экишдан торттиб, ҳосилни йиғиб олишгача бўлган жараёндаги барча юмушларни режалаштириш, экологик вазиятдан келиб чиқиб ҳулоса қилиш мумкин.

Мазкур платформа бизнес жараёнларини оптималлаштириш ва автоматлаштириш, тўпланган маълумотларга асосланган энг самарали қарорларни қабул қилишга ёрдам беради. Электрон тижорат ва соғлиқни сақлаш соҳалари учун ҳам хизмат катта бўлади.

"Big data" нима эканини англаш учун "Амазон"ни эрта олиш кифой. Бир неча йиллар аввал "Амазон" катта маълумотлар технологияси билан бутун дунёни забт этди. Мижоз интернет орқали бирор нарс

ШАРҲ

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш йўлида мутлақо янги тизим яратилмоқда. Буни сўнгги йилларда ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган мисолида ҳам кўриш мумкин. Уларга асосан, юздан ортиқ лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 30 дан ортиқ фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди.

ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ —

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА
ЭРИШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Дилмурод ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил

Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача 2 баравар қисқартирилди. Нақд пул, валюта ва хомашё бўйича қўллаб-қувватлашга барҳам берилди. Шу йил 1 ноябрдан ҳар қандай текширишлар фақат ва фақат бизнес-омбудсманда янги электрон платформа орқали амалга оширилиши, барча турдаги текширувлар бизнес-омбудсман томонидан мувофиқлаштирилиши белгиланди.

Президентимизнинг 2022 йил 9 ноябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳам соҳа ривожини янги bosқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур фармон тадбиркорлик фаолиятига қўйилган талабларни соддалаштириш ҳамда бизнес учун тартибга солиш юкнини камайтириш, тартибга солишнинг аниқ мақсад ва чегараларини белгилаш орқали уларга қўлайликлар яратилишига хизмат қилади.

Ҳўжжатга кўра, тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг чегаралари ҳамда аниқ воститалари белгиланмоқда.

2023 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорликка оид бюрократик тўсиқлар ва ортиқча қозғозликка сабаб бўлаётган қатор тартиблар, яъни тадбиркорлик ривожини йўлга ҳов бўлаётган талаблар олиб ташланмоқда.

Жумладан, тадбиркорлик субъектининг устас фонди (устас капитали)ни камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганида кредиторларни ёзма равишда хабардор қилиш ва оммавий ахборот воситаларида бу ҳақида эълон бериш, янги импорт автомобилларини сотиш фақат юридик шахслар — ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг расмий дилерлари томонидан амалга оширилиши тартиби бекор қилинган. Келгуси йил 1 январдан бошлаб, шунингдек, яқна тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимларни Ягона миллий меҳнат тизимида ҳисобга олиш орқали давлат солиқ хизмати органларида алоҳида ҳисобга қўйиш амалиётидан воз кечилади.

Шу кунга қадар тадбиркор аудит ва сайёр солиқ текширувлари натижаларидан норози бўлган тақдирда судга шикоят қилишдан олдин тегишли юқори турувчи солиқ органига мурожаат қилиш лозим эди. 2023 йил 1 мартдан эса тадбиркорларга тўғридан-тўғри судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Фармонда бугунги кундаги илғор технологиялар, жумладан, рақамлаштириш имкониятларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада тадбиркорларга Ягона



интерактив давлат хизматлари портали орқали ўз хизматларини кўрсатишга рухсат берилган.

Ҳозир Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан 2,5 миллиондан ортиқ фуқаро ва тадбиркор фойдаланаётганини ҳисобга олсак, энди тадбиркорлар ҳам ўз махсулот ва хизматларини кенг миқёсда таклиф этиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, давлат харидларида рақобатни қўллаб-қувватлаш мақсадида қиймати 1 миллиард сўмдан юқори бўлган харидлар бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш тақиқланмоқда. Бундай талаб қўйилиши тадбиркорлар ўртасида соғлом рақобат юзага келишига хизмат қилади, шунингдек, уларнинг махсулот ва хизматлари сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан янги махсулот ва хизмат турларини жорий этиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш орқали тартибга солиш юкнини камайтириш мақсадида "тартибга солиш қўмдонини" махсус ҳуқуқий режими жорий қилинмоқда.

Дунёнинг 60 дан ортиқ давлатида мавжуд ушбу амалиёт тадбиркорларга замонавий технологиялар ва янги хизмат турларини жорий қилишга қўлай муҳит яратди. 2023 йил 1 январдан бошлаб мазкур режим тадбиркорликнинг 5 та йўналиши, жумладан, электрон тижорат, транспорт, sanoat, қурилиш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида жорий этилади. Синов натижалари муваффақиятли деб топилганда, янги технология (хизмат)ни тўлиқ жорий қилиш учун қўнунчиликка ўзгартиришлар киритилади.

Фармон билан, шунингдек, тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш тартиби белгиланмоқда. Бу жараён икки bosқичда амалга оширилиб, 1-bosқич (2023 йил) қўллаб-қувватлаш учун долзарб бўлган 5 та соҳа, хусусан, қурилиш, savdo, умумий овқатланиш, таълим ва транспорт, 2024–2025 йилларни қамраб олувчи 2-bosқич эса барча соҳаларга тегишлидир.

Эътиборли жиҳати, реестрни шакллантиришда мажбурий талаблар баҳолашиб, долзарб бўлмаган, ортиқча ҳаражатга олиб келаятган талаблар қисқартирилади. Реестр 2025 йил 1 июлдан тўлиқ ишга туширилиб, унга киритилмаган талаблар бўйича жавобгарлик белгилаш тақиқланади.

Тадбиркорларимиз ўзини яратилаётган бундай энгилликларга Ўзбекистонда бизнес муҳити янада яхшилаши ва тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши орқали иқтисодий тараққиётнинг жадал ривожланишига кенг йўл очади.

IT дастурчилар учун
самарали таклиф

Самарқанд шаҳрида 10–11 ноябрь кунлари ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти саммити доирасида Ўзбекистон — Венгрия бизнес форуми ҳам ташкил этилиб, B2B ва G2B форматда музокаралар ўтказилди. Венгриянинг "NT Holding" компанияси директори Ласло Якаб Самарқанддаги Ёшлар технопарки фаолияти билан танишиб, юртимиз IT дастурчиларини Венгриядаги "Codecool" компанияси билан ҳамкорликка таклиф этди.

Ўзбекистонлик ёш олимларни Венгрияга стажировкага юбориш бўйича эълон қилинган танлов натижаларига кўра, 24 нафар олим мана шундай имкониятни қўлга киритди. Ҳозир уларнинг 4 нафари Венгрия Қишлоқ ҳўжалиги ва табиий фанлар университетидега илмий стажировка ўташни бошлаган. Шунингдек, 2023 йилда Венгриянинг "Hungaricum" стипендияси доирасида ядровий энергетика соҳасида 10 нафар ёш олим бир йиллик малака ошириш учун юборилади.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

“ЭНДИ ФАҚАТ БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛАБ ИШЛАШ КЕРАК”

Бахтиёр ака ташландиқ ерга ишлов бериб, иссиқхона қураман деганда, айримлар уни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилди. Ишлар сув тортиб келди. Сўнг электр ва газ келтириш дастлабни бошлаб юборди.

"comfortable business service" масъулияти чекланган жамияти ташкил этиб, қаровсиз ердан ўн гектар жойда иссиқхона қурди. Бунинг учун банкдан 5 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит олди. Тажрибали тадбиркорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Гидропоника усулида помидор ва бодринг кўчатлари парваришлагача киришди.

— Дастлабки йил тажрибамиз йўқлиги боис, бир оз хавотирландик, — дейди Бахтиёр Ибрагимов. — Аммо натижа ёмон бўлмади. Чин дилдан қилинган ҳаракат барибир ўз самарасини беради экан. Ҳозир қўзланган натижаларга эришдик.

Қамаши туманининг "Ногоҳон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига жойлашган "comfortable business service" масъулияти чекланган жамияти иссиқхоналарида бугун иш қизган. Уттизга яқин доимий ва юзга яқин мавсумий ишчилар етиштирган

помидор ва бодринглар Россия ҳамда Қозғистонга экспорт қилинмоқда.

— Гидропоника усулида етиштирилаётган सबзавотларимиз экспорт талабларига тўлиқ жавоб беради, — дейди жамият иш юритувчиси Бекзод Орипов. — Бунинг учун иссиқхоналаримизда барча шароитлар яратилган. Жумладан, суғоришдан торттиб ўғитлашгача бўлган барча жараён технологиялар ёрдамида бажарилади. Иситиш тизимларимиз ҳам замонавий. Ҳар йили 500–550 тоннагача бодринг ва помидор етиштириб, асосан, хорижга сотаямиз.

Иссиқхонада "Темир дафтар" ва "Аёллар дафтари"га киритилган фуқаролар меҳнат қилмоқда.

— Бу ерда иш бошлаганимга уч йилдан ошди, — дейди "Ногоҳон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жамила Бойсариева. — Оиламиз кам таъминланган эди.



Шу боис, иш қидириб, рўзғорга фойдадан тегсин, деган ниятда юргандим. Иш ўрни очилгани мен каби маҳалладошларимга айни

муддао бўлди. Ойига бир ярим миллион сўм ойлик олаямиз. Ишчиларга барча шароитлар яратилган.

"comfortable business service" масъулияти чекланган жамиятига қарашли иссиқхоналарда туркиялик икки нафар агроном иш олиб бормоқда. Агрономлар кўрсатмаси асосида агротехника тадбирлари давом эттирилмоқда.

— Бир йиллик шартнома асосида ишга келганман, — дейди туркиялик мутахассис Халил Ойдин. — Асосий мақсадимиз тадбиркорга яқиндан қўмақлашиб, सबзавот экинларидан юқори даромад олишига эришиш. Бунинг учун ҳозирда ҳаракатларимиз режадагидек кетмоқда. Яқин кунларда дастлабки ҳосилни йиғиштиришни бошлаймиз.

Айни кунларда жорий мавсум ҳосилни хорижлик ҳамкорларга етказиб бериш чоралари қўрилмоқда. Келгуси йилнинг май ойигача давом этадиган иссиқхонадаги ишлар осон кечмаслиги аниқ. Меҳнат қилган роҳат кўради деганларидек, бунинг учун тинимсиз ҳаракат, астойдил интилиш лозим. Самараси эса олинган даромадда намоён бўлади.

— Президентимизнинг "Иссиқхона ҳўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори биз учун кенг имконият эшигини очди, — дейди Б.Ибрагимов. — Жумладан, қарорга асосан, халқаро молия институтлари, мақсадли жамғармалар ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан иссиқхона ҳўжаликлари ва музлаткичли омборхоналар учун ажратилган миллий ва хорижий валютадаги кредитларни қайтариш муддатлари умумий ҳисобда 14 йил этиб белгиланди ва имтиёзли даври 3 йилдан 5 йилгача узайтирилди.

Шунингдек, иссиқхона ҳўжаликларидега экспортдан махсулот етиштиришга талаб этилаётган айлана маблағлар учун хорижий валютадаги банк кредитлари Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан йиллик 4 фоиз ставкада (шундан банк маржаси 2 фоиз) ажратилади. Бунда кредит таъминоти сифатида "Ўзбекинвест" суғурта полиси қабул қилинади ва суғурта муқофоти ҳаражатларнинг 75 фоизи Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қўллаб

берилади. Ажратилган кредитни қайтариш муддатлари иссиқхоналарда ҳосилни йиғиб олиш ва сотиш муддатларига мослаштирилади ҳамда кредитларни қайтариш графикалари шу асосда тасдиқланиши борасида белгиланиши тадбиркорлар учун катта мадад бўлди. Шу билан бирга, иссиқхона ҳўжаликларида табиий газ бўйича тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлик учун пеня 2022 йил 1 октябрдан 2023 йил 1 апрелгача истисно тариқасида ҳисобланмаслиги, иссиқхона ҳўжаликлари учун тижорат банкларига кредит ва уларнинг фоизини қайтариш муддати қатъий равишда махсулотнинг пишиб етилиши даврига мослаштирилиши каби бир қатор қўлайликлар берилиши биз каби тадбиркорлар учун айни муддао бўлди. Шундай имкониятлар яратиб берилаётган бир пайтда ҳаракат қилмасдан, юрт иқтисодиётига озгина бўлса-да, ҳисса қўшмасдан, қараб туриб бўлмади. Мақсадларимизни амалга ошириш учун бундан ортиги бўлмас. Энди фақат белни маҳкам боғлаб ишлаш керак.

Акабар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

Бошланиши 1-бетда

Кўнғироққа жавобан футбол майдони эгаси Баходир Қодиров мижознинг буюртмаси қабул қилиниши, эртанги кун учун айтилган вақтда майдон тайёрлаб қўйилишини хушмуомалалик билан билдирди.

Ботнинг чиндан ҳам фаол эканига гувоҳ бўлган тadbир ташкилотчилари томонидан Жасурбек Абдуғафуровга ноутбук совға қилинди. Бундан ташқари, етакчининг маҳалласига юзлаб китоблар етказиб бериладиган бўлди.

Ҳамиша ғолиблар ҳақида ёзганмиз ва ёзамиз. Бугун ғолиб бўлмас-да, ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган, энг муҳими, Президентнинг, одамларнинг ишончини оқлашни чинакам ғолиблик санаган эртаими эгаси фаолиятини ёшларимизга ибрат қилишни жоиз топдик.

Сал қолса, ишлагани хорижга кетмоқчи эдим

Қишлоқ шароитини биласиз. Аксарият ёшлар мавсумий иш билан банд бўлиб, қишда нима юмуш қилишни билмай қолади. Хайриятки, кейинги пайтда маҳаллаларда кичик тadbиркорлик субъектлари, хусусий тadbиркорларнинг кўпайиб бораётгани ишсизлик муаммоси ечимига оз бўлса-да, ҳисса қўша бошлади.

Жасурбекнинг туман ҳокимлигида ўзига хос ўрни, тупна-тузук лавозими бор эди. Шу корона-вирус балоси ёпишди-ю, анчагача мазаси бўлмади. Ёш бўлгани учунми, касалликни тик оёқда ўтказиб юборишга ҳаракат қилди, бироқ руҳий тушкунлик, ишга лаёқатсизлик сезила бошлаган, ишдан бўшашга мажбур бўлди. Бир муддат та-наффусдан сўнг барибир ишлаш, оила бюджетига ҳисса қўшиш кераклигини ҳис қилиб, маоши дурустроқ иш топиш ҳаракатига тушди. У бўлди, бу бўлди, унга мос келадиган иш топилмади. Найлож Россияга бориб ишлаб келишга қарор қилди. Паспорт олиш учун ҳужжатларини тайёрлашга киришадиган пайт одамларнинг "ёшлар етакчиси лавозими жорий этилар экан, маоши ҳам чакки эмас", деган гаплари қулғога чалиниб қолди.

— Бундай ҳолат ва шароитда, очиги, жуда шошиб қолгандим, — дейди Жасурбек. — Мен ҳам ўйлабди ўтирмай, дарҳол ариза топширдим. Барча суҳбатлардан муваффақиятли ўтиб, ўзим яшайдиган маҳалланинг ёшлар етакчилигига муносиб топилдим. Сал қолса, ишлагани хорижга кетмоқчи эдим. Энди эса у ёқларга бормаганидан, шу йўлни танлаганимдан хурсандман. Энг муҳими, ўз юртимизда, эл хизматидаман.

Саховатдан яралган меҳр

Учқун маҳалласида аввалдан гавжум, маҳалла одамларига қадрдон бир дўкон бор. Қаҳрамонимиз яна бир эзгу лойиҳа — "Саховат дўкони"ни алоҳида ташкил қилса ҳам бўларди, аслида. Бироқ қишлоқ жойда ҳамма бир-бирини танийди. Кам тасминланган, боқувчиси йўқ, қўйналиб қолган оилалар вакилларининг ҳаммаси ҳам алоҳида очилган дўконга қиравермайдди. Шу маънода, "остонаси юмшоқ" (одам кам қирилмаган хонадонларга нисбатан "остонаси қаттиқ" ибораси ишлатилади) савдо дўконининг бир бурчаги лойиҳа учун айна муддао бўлди. Дўкон эгалари ҳам бундай хайрли ишга бажонидил рози бўлди. Лойиҳа ҳар жума кўни амалга оширилади. "Саховат бурчаги"ни тўлдиршида маҳаллий ҳомийлар, саховатпеша тadbиркорлар фаоллик кўрсатаётгани қувонарли.

Шунингдек, уйда ортиқча телевизорни, гилами, кийим-кечаги, умуман, рўзгор учун керак бўладиган буюми бор инсонлар ёшлар етакчисига боғланади. Унинг машинасига ўша буюмларни ортиб, дўконга олиб келади. Айна буюмларга эҳтиёжи

борлар дўкондан уларни бепул, беминнат олиб кетаверади. Хозирча лойиҳа кўнгидагидек амалга ошяпти. Айниқса, пахта теримида у ўзини ҳар қанчонгидан ҳам кўпроқ оқлади. Зеро, қишлоқларда пахта теримида бир оз пул йиғиб, бирор кимини қилиб олай, деган одамлар чиқади.

Саховат бурчагига тadbиркор томонидан тақдим этилган 10 миллион сўмга яқин қийматдаги болалар кийим-кечаги маҳалланинг ёши улуглари, маҳалла фаоллари, МФЙ раиси, ёшлар етакчиси, Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси иштирокида пахта даласига олиб борилиб, ҳашарчиларга тақдим этилди. Теримчилар хайриятини самимий қабул қилиб, тadbиркору ташаббускорлар ҳақиқига дуо қилди.

Маҳалладошларнинг узоғи яқин бўляпти

Мақола аввалида айтилганидек, Жасурбек ёшлар етакчиси сифатида иш бошлаганидан кейин ўзининг телеграм гуруҳини очган. Унда 1200 дан зиёд фойдаланувчи бор. Маҳалла ёшлари, уларнинг қизиқиш ва муаммоларига доир масалалар ўша гуруҳда гаплагилади.

Беморга малҳам бўлиб...

— 16 ёшли ўғлим буйрак етишмовчилиги касаллиги билан олишадиганига олти йил бўлди, — дейди Одина опа Умаралиева. — Бутун танаси шишиб кетиб, шошилинч тиббий марказга



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА УТИНГ.

Шунингдек, гуруҳда аксар ҳолларда дўкончилар, қирақашларнинг телефон рақам сўралавергач, Жасурбекда алоҳида бот яратиш госяи туғилди. Ботга юқорида айтилганидек, аҳолига хизмат қиладиган барча объектларнинг телефон рақами жойланди. Эндиликда кимга тақси хизмати керак бўлса, ботга кириб, "Машина хизмати"дан, дўкон билан боғлиқ саволлари бўлса, "Дўконлар" ва ҳоказо бўлимлардан фойдаланиб, керакли маълумотни олиши мумкин. Энг муҳими, одамларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлаётганида.

Мактабда аъло ўқишга ундаётган лойиҳа

Жасур Абдуғафуровнинг яна бир эзгу ташаббуси маҳалла ҳудудида жойлашган 10-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқувчиларини муносиб рағбатлантиришга қаратилди. "Leader Grand" ("Етакчи гранти") деб номланган мазкур лойиҳа доирасида устозлари тавсиясига кўра, ҳар икки ҳафтада бир марта энг намунали 3 нафар ўқувчи Андижон вилояти бўйлаб саёҳатга олиб борилади. Албатта, барча харажатлар етакчининг ўзидан.

— Жасурбек ўзининг ўқувчим, болалигидан тиришқоқ, ташаббускор, аълочи бўлган, — дейди мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

олиб борсақ, операция қилиш керак, дейишди. Буйрак қўйиш лозим экан. Операция ҳаражати эса 80 миллион сўм атрофида. Нима қилишни билмай маҳалламиз ёшлар етакчисидан ёрдам сўрадим. Ёшгина йигитнинг ҳаракати билан маҳалладан, интернет орқали бошқа хуудлардаги саховатпеша одамлардан 40 миллион йиғилди. Бундан ташқари, ордер ҳам тайёрлаб беришди. Бу яна кўшимча 10 миллион сўм дегани. Президентимизнинг ташаббуси билан шунча янги-янги лавозимлар яратилиб, уларга ҳаракатчан ёшлар тайинланяпти. Самарасини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Менга ўхшаган оғир вазиятга, руҳий тушкунликка тушиб қолганларга улар ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бера оляпти.

Қишлоғимиздаги бирорта иш ўрнини бегона қилмаймиз

Жасурбек Абдуғафуров ҳар кун ишга отланган экан, ўз маҳалласида фаолият юритаётган субъектлар, корхоналар ишини кўздан кечиради. Чўнки қайси бирида бўш ўрин пайдо бўлса, у бе-хабар қолмаслиги керак.

"Учқун" маҳалла фуқаролар йиғини биносининг замонавий кўринишга келтирилгани, вилоят ҳокимининг ўзи уни тантанали равишда очиб

бергани, ҳатто четдан келган меҳмонлар ҳам мазкур маҳаллага тақлиф этилаётгани эса ёш ходимни ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга ундайди.

Хусусан, у ёшлар ўртасида ишсизликни бар-тароф этиш, кўшимча даромадга эга бўлишига кўмаклашиш, маънан қўллаб-қувватлашдан ташқари, чегара ҳудудда жойлашган маҳалла осойишталигини таъминлашда ҳам унинг кўнгили йигитларидан иборат "Қалқон" гуруҳининг алоҳида ўрни бор. Маҳалласи тинчлиги йўлида том маънода қалқон бўлишга тайёр бу йигитларга шунинг ўзи гуруҳ бахш этса не ажаб! Улар учун

Quote box with text: ЖАСУР АБДУҒАФУРОВНИНГ ЯНА БИР ЭЗГУ ТАШАББУСИ МАҲАЛЛА ҲУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН 10-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МУНОСИБ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛДИ. "LEADER GRAND" ("ЕТАКЧИ ГРАНТИ") ДЕБ НОМЛАНГАН МАЗКУР ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА УСТОЗЛАРИ ТАВСИЯСИГА КўРА, ҲАР ИККИ ҲАФТАДА БИР МАРТА ЭНГ НАМУНАЛИ 3 НАФАР ЎҚУВЧИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БўЙЛАБ САёҳАТГА ОЛИБ БОРИЛАДИ. АЛБАТТА, БАРЧА ХАРАЖАТЛАР ЕТАКЧИНИНГ ўзидан.

маҳалланинг тинчлигини бошқа манфаат йўқ. Барчасининг қўлида ҳўнари, тайинли иш жойи бор.

Иш ўрни ҳақида гап кетганида, Жасурбекнинг қуйидаги фикрлари эътиборимизни тортди:

"Туманимизда яқинда ишга туширилган йирик ёғ заводи бизнинг қишлоқда қурилди. Одамларга бўш иш ўрнини қоғозда кўрсатган, "бориб мурожаат қилин" дейиш қаёқда-ю, заводнинг ўзига олиб келиб, барча шарт-шароитлар билан яқиндан таништирган қаёқда. Ўзини шу завод ишчиси деб ҳис қилган ёшлар эртасини ҳам тиниқ тасаввур қила олади-да, ахир. Насиб қилса, заводдаги барча бўш иш ўринларини маҳалламиз ёшлари банд этади. Қолаверса, тажриба тариқасида кўчмаизга ўрнатилаётган сўритоклар ҳам анча-мунча ёшни бекорчиликдан қайтарди. Чўнки узумга меҳр бериб, чиройли ва мўл ҳосил олган ёшлар экспорт қилиши ҳам мумкин".

Ёшлар етакчиси ҳаракати билан маҳалладаги 22 нафар йигит-қиз "Ёшлар дафтари" рўйхати-га киритилган. 9 нафарининг олийгоҳда таълим олиш учун тўлов шартномаси, 2 кишининг ҳарбий сафарбарлик чакривуви тўлови тўлаб берилди. Дафтарга кирмаган 200 нафардан зиёд ёшга ҳам амалий ёрдам кўрсатилди. Маҳалланинг отуғи шундаки, унда тўғри йўлдан адашган, жиноят содир этган, умуман, жиноятга мойил ёшлар йўқ. Бунда фидойи ёшлар етакчисининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

"Ёш бўлса ҳам, маҳалла раислигига муносиб шижоати бор"

Жасурбекка кейинги танловларда, республикада ҳам фахрли ўринларни қўлга киритасиз, дегандим, унинг жавоби янада ҳайратимни оширди: — Пойтахтдан келсам, дадам "маҳалла одамлари сени маҳалла раислигига сайлаймиз, деб қиравериб хижолат қилиб юборди", дейди. Дадам уларга "ўғлим ҳали ёш, ўзининг йўлидан кетиши керак, бу борада қиладиган ишлари кўп", деса ҳам, маҳалла раислигига номзодимни қўйиб, бир овоздан маъқуллашмоқчи экан. Узим ҳам ҳали жуда ёш эканим, маҳалла раислигига ҳаётий тажрибаси катта, ёши улуглар сайланса, айна муддао бўлишини айтяпман уларга. "Ёш бўлса ҳам, маҳалла раислигига муносиб шижоати бор", дейишибди дадамга. Билмадим, ташаббусларим тўғайли балки уларнинг ишончини



оқлагандирман. Мана шу ишонч менга ҳар қандай ютқудан афзалроқ. Зеро, энг юксак ютуғим — одамлар ишончи.

Энди ёшлар маҳалласи тарихини яхши билади

Жасурбек ўйлаб юрган ва бирин-кетин амалга ошириладиган лойиҳаларини кичик бир мақолага сифдира олмадик, албатта. Лекин уларнинг яна биттаси ҳақида айтмасак бўлмас. Лойиҳа шундайки, тарихчилар, маҳалла оқсоқоллари кўмагида қишлоқнинг, маҳалланинг тарихи аниқ маълумотлар асосида ёзилиб, махсус ташкил қилинган бурчақдан ёки МФЙ идорасининг кўзга ташланадиган еридан жой олади. Маҳалладан чиққан илм эгалари, таниқли инсонлар, умуман, ибратли ҳаёт йўли билан ёшларга намуна бўла оладиган кишилар ҳақида ҳам ёзиб қўйилади. Шунингдек, маҳалла тарихи ёнига унинг аввалги кўринишидан суратлар жойланади. Бу борада ҳам етакчи маҳоратли расомлар билан ишлаш-ни режалаштириб қўйган. Ана шунда ёшлар ўз маҳалласи тарихи, унда кимлар яшаб ўтгани, унинг аввалги ҳолати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади.

Мақолани яқунлаётган пайтимиз қаҳрамонимиз кўнғироқ қилиб, бир хушxabарни айтиб қолди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан Давлат бошқаруви академиясида ташкил этилиши белгиланган "Келажақ лидерлари" махсус малака ошириш дастурига чакрив хати олибди.

Умид қиламизки, бўлажақ маъруза ва маҳорат дарслари, тренинглор юртимизнинг барча хуудларидан келган келажақ лидерлари қаторида Жасур Абдуғафуровнинг келгуси фаолияти-да ҳам муҳим ўрин тутиб, ҳали очилмаган қираларини кашф этишга хизмат қилади. Тошкент шаҳридаги намунали маҳаллаларнинг ижобий тажрибасини жойига чиққан ҳолда ўрганиш, ва-зирлик ва идораларда амалиёт ўташ натижасида эса Учқун маҳалласи аҳолиси ҳали қўллаб хайрли ташаббусларга гувоҳ бўлади. Зеро, инсон фидойилиги ва ибратли ишлари билан ўз номини, эл-юрт шаънини улуглаши шубҳасиз.

Муножат МўМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Ўрта Осиё ҳудудидаги энг кучли шамоллардан бири водийнинг Фарғона йўлига орқали сониясига 32-35 метр тезликда, йилига ўртача 50-55 кун эсади.

КўҚОН ШАМОЛИ Шу ном билан аталадиган табиат ҳодисаси биз учун қандай имкониятларга эга?

шарқидида тоғларда маҳаллий антициклонлар ҳосил бўлиши, ёзда водий қисби кетиши натижасида маҳаллий паст босим минтақаси вужудга келиши сабаб бўлади. Декабрь, январь ва февраль ойларидида ҳамма жойда шарқий шамоллар, яъни сўриш режими ҳукмронлик қилади. Март ойидида вилоятнинг гарбий қисмида Кўқон шамоли кучайиб, апрель, ноябрь ойларидида ҳам "ҳукмронлик" давом этади. Кучли шамоллар мавсуми фарбда март-май ойлари, шарқда эса май-июль ойларига тўғри келади.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда ҳам шамол кучи Бюфорт шкаласи ўл-чувлари билан тавсифланади. Бу шкала 13 та даражага эга шамол кучларини ўзида акс эттиради. Ундан шамол тезлиги тинч ҳолатдаги кучидан тортиб, довул даражасидидагича тақсимлаб чиқилган. Масалан, шамол тезлиги сониясига 17 метрдан кучайса, кучли шамол, 24,5 метрдан ошса, бўрон деб аталади. Кўқон шамоли, асосан, совуқ ҳаво оқимининг шимол, шимоли-ғарб ва ғарбдан кириб келишидаги совуқ олд фронтлари пайтида кузатилади. Шамол давомийлиги

2-6 соатдан ошмайди, айрим ҳоллардаги-на 10-12 соатга етади. Шамол кўп эсиши сабабли бу ерда қуруқ ҳаво оқими ҳукмрон. Ёз ойларидида гармсел ҳодисаси кузатилади. Бу ҳаво қуруқчилигининг хавфли даражаси бўлиб, ўсимлик дунёсига салбий таъсир кўрсатади. Давомли гармсел қишлоқ хўжалиги, асосан, ғўза барги, гул ва кўсақлари нобуд бўлишига олиб келади.

Шамол ўтган асрнинг олтиминчи йилларидида Бешарик туманида ташкил этилган Сарикамиш ов хўжалиги табиий мухити мувозанатини сақлашда ўзига хос аҳамиятга эга. Ов хўжалигининг умумий майдони 2500 гектар бўлиб, унинг 650 гектарини Сарикамиш қўли эгаллаган. Ов хўжалиги фаолиятида балиқ овланадиган хууддлар, ҳайвонлар ҳолатини ҳисобга олиш, ҳаваскор овчилик, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Кейинги йилларда қайта тикланувчи энергия манбаларига талаб кўндан-кўн ортиб бораётди. Шу боис, 2019 йил 22 августда Президентимизнинг "Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш,

энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2021 йил 9 апрелда "Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди. Табиий иқлим шароити имконият берадиган Ўзбекистонимизда қайта тикланувчи бундай энергия манбаларидан самарали фойдаланиш иқтисодий таъминоти ривожига ва халқимиз фаровонлигини оширишда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бинобарин, мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида кўш, сув, шамол энергияси каби қайта тикланувчи энергия манбалари ишлаб чиқариш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Айниқса, сув ва кўш энергиясидан фойдаланиш кўлами кенгайиб бораётгани арзон ва сифатли муқобил электр қувватлари ишлаб чиқаришда асосий йўналишга айланмоқда. Лекин шамол энергиясидан фойдаланиш деярли янги соҳа ҳисобланади. Фарғона водийси иқлим шароитида бу муқобил

электр ресурсларини "жиловлаш" ва ундан самарали фойдаланишда ўзига хос имкониятлар бор.

— Шамол энергиясидан фойдаланиш тез ривожланаётган соҳалардан, — дейди Фарғона политехника институти докторанти Бекзоджон Бойназаров. — Шамол энергиясининг йиллик энергия қуввати 2,2 миллион тонна нефть эквивалентига тенг. Фарғона водийсида Кўқон шамоли номи билан машҳур табиат ҳодисаси бу борада катта имкониятларга эга. Шамолнинг бошланиш ҳудуди Бешарик тумани ҳисобланади. У сониясига 32-35 метр тезлик билан йилига ўртача 50 кунга яқин эсади. Кўқон шахрига яқин жойлашган туманларда сониясига 3-5 метр тезликда эсуви шамол давомийлиги йилига 90-120 кунни ташкил қилади. Ҳозирги кунда шамол энер-

гиясидан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида Фарғона политехника институти ва "Олтириқ инновацион ҳудуди" янги ғоя ва лойиҳалар маркази билан ҳамкорликда қуввати 3 кВт бўлган шамол электр станцияси ишга туширилиб, техник имкониятлари синовдан ўтказилмоқда. У аҳоли ва кичик ишлаб чиқариш тармоқларини арзон электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади.

Техник кўрсаткичларни синаш жараёни тугаллангандан сўнг қурилма кенг миқёсда ишлаб чиқаришга жорий этилади. Шунингдек, паст айлинишдан юқори қувватли энергия ҳосил қиладиган, светофор ва йўлчиқроқларни доимий электр энергияси билан таъминлайдиган генераторлар яратиб ва ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.



Ёзда жазирама иссиқ, қишда изғирин совуқ бўладиган бу минтақада яшаб меҳнат қилиш, ердан бойлик ундириш албатта осон эмас. Бунга фақат мустақкам иродали, ўз кучига ишонган, чинакам матонатли инсонлар қодир бўлади. Ўз ери, ўз юртидаги фидойи, кўнгли очик, кўпмиллатли Навоий аҳлини мен айнан шундай инсонлар деб биламан ва сизларнинг бундай фазилатларингизни юксак қадрлайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



МАДАНИЯТ КАРВОНИ

Қимзақи иш бўлди қаноат фани, билзақи, ани қилди қаноат фани



Зулфия МҮМИНОВА,
Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими

Навоий шаҳрининг темир йўл вокзалида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирилик, Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси вакиллари билан иборат катта делегация юксак эҳтиром билан кутиб олинди. Олтин кузнинг илқ тонгида шаҳарга фойз бағишлаб турган мовий кўл бўйида “Маънавият фестивали”, “Маданият карвони”нинг 200 нафар тарғиботчилари, Навоий вилояти ҳокимлиги мутасаддилари, Навоий шаҳридаги маҳаллалар вакиллари, олий таълим муассасалари талабалари билан биргаликда “Саломатлик учун 5000 қадам” марафони ўтказилди.

арчалар қуршовида. “Қаерда дарахтлар ва жониворларга шафқат қилинса, ўша ерга Аллоҳ кут-баракасини тўқади”, дейди боболаримиз.

Тадбир доирасида Навбахор туманидаги Уч тут маҳалласида ҳам бўлди. Бошқа маҳаллалардан фарқи улароқ уч тутликларнинг дарвозалари ёнидаги куз гуллари диққатимизни тортди. Манзарали дарахтлар ва нафармон гуллар билан ўралган маҳалла биноси ёнида бизни маҳалла раиси Холмурод Атамуродов қарши олди.

“Раис бува, маҳаллангизда уста деҳқонлар, гулчилар кўлга ўхшайди, ҳаммаёқ чаманзор бўлибди. Қачондан ва қаердан бу ободончилик?” деган саволимизга кўча бўйлаб юрар эканмиз, раис тўлиб-тошиб гапирга кетди:

— Яқин ўтмишда маҳалламизнинг аҳоли ачинарли эди. Эгри-бугри йўллар, бутунлай ишдан чиққан симёғочлар, қуйиб кетган электр узаткичлар, таъмирталба мактаб, маҳалланинг биноси йўқлигидан вагонча ичида аҳолининг арз-додини эшитиш, “Шошилич ёрдам” тиббий хизмати автомашинасининг қиш пайтлари кўчаларимизда ботиб қолган-ю, маҳалламиз йигитлари ҳай-ҳайлашиб уни лойдан чиқариб юбориши, тўй ёки маросимларда бошимиздан ўтган сарсонгарчиларни мен айтмай, сиз эшитманг. Охири Президент Халқ қабулхонасининг вилоят бўлимига мурожаат қилдик. Мурожаатимизнинг иккинчи кунини қабулхона раҳбари Файзулло Қувондиқов ва туман ҳокими келиб, вазиятни ўрганиб чиқди. Натيجида маҳалламиз “Обод маҳалла” дастурига тушди. Қаёқдасидир, бир йилга борма йўлларимиз равандан-равон бўлди.

Раиснинг тўлиқлиниби гапиргандан биз ҳам завқландик.

— 150 ўринли давлат мактабга таълим муассасаси қуриб ишга туширилди. Болаларимиз тахсил олаётган 10 ва 11-мактаб мукамал таъмирланди. Эски симёғочлар бетон тусинларга алмаштирилди. Футбол майдони, болалар учун майдончалар, велоўлаклар қурилди. Энг қувончлиси, маҳалланинг мухташам биносига эга бўлдиқ. Бино икки замонавий мебел билан жиҳозланди. Кутубхонамизга 1 минг 200 та китоб туман ҳокимлиги томонидан совға қилинди. Маҳалла идораси, мактаблар компьютер билан жиҳозланиб, интернет тармоғига уланди. Бизнинг уч тутликлар сабрили ва имон-эътиқодли халқ.

Биз маҳалла фаоллари билан бирга қузнинг намуш ҳавосидан нафас олаётган боғга бордик. Бу ерда мўъжизага дуч келдик. Катта боғ ичида таърифига сўз ожиз катталикдаги туллар сариқ япроқлари кўз-кўз қилиб турибди. Бу ерликлар тулларга салом бериб, уларнинг гадур-будур таналарини силлаб қўйар экан. Таъқидлаш керакки, улар тутга сизини...

шаётгани йўқ, аммо тут билан сўзлашар, ҳаммиса бу ерда Қуръон тиловат қилинар экан. Боғ ичида ҳеч қандай қабр йўқ. Ас-фалёт йўлақлар четда турфа гуллар кеч қишгача гуллаб ётади.

— Бу тутлар жуда қадимий бўлгани бизнинг боболаримиз айтар эди. Бир вақтлар бидъатга берилган одамлар тутларни шохларига турли латта осиб кетадиган бўлишди. Биз уламоларимиз билан бунга чек қўйдик, — деди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Аҳмадов.

Мен уч тутликларга миннатдорлик билдирдим: “Аёз қилич ялонғочлаган совуқларда ҳам ҳеч бирингиз болта кўтариб бобо тутлар қаршига келмабсиз. Раҳмат сизларга! Ёнидан чиқаётган ниҳолчаларини тортилаб кетмабсиз, синдирмабсиз, сотмабсиз. Ўз ҳовлигизга сув етмаса-да, нуруний тутлар тагига сув тортиб, уларни саратон оташига ташламабсиз. Ўртадаги тутни яшин ўрганида бутун қишлоқ югурилаб келиб дуолар ўқибсиз. Аллоҳнинг қудрати билан дарахт яна жонланиб кетибди. Минг шукр!”



“ НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ ТУПРОҒИ МЕНДЕЛЕЕВ ЖАДВАЛИДАГИ БАРЧА МАЪДАНЛАРГА ЭГА. ЁР ОСТИДА ҲИСОБСИЗ БОЙЛИКЛАР БОЛАЛАБ ЁТГАН БЎЛСА, БУ ЗАМИН УСТИДА УНИНГ ХАЗИНАСИ БЕБАҲО ОДАМЛАРИДИР, ИҚТИДОРИН ЁШЛАРИДИР. ХАТИРЧИ ТУМАНИДАГИ ТАМАБАҲРИН МАҲАЛЛАСИ БУГУН РЕСПУБЛИКАДА ЎЗИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТАЖРИБАСИ БИЛАН НОМ ҚОЗОНГАН. ҲАР ЙИЛИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ 90–95 ФОИЗИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚИРМОҚДА. МАКТАБ — МАҲАЛЛА — ОИЛА ҲАМКОРЛИГИНИНГ НАМУНАСИГА АЙЛАНГАН.

байроғини баян қўраётган ёшлар ортида кимлар турганини барчага ўрناк қилиб кўрсатиш ва уларни шарафлаш лойиҳамизнинг асл мақсадидир.

ташкил қилган “Baht Textile” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишдик. Швейцариянинг илғор енгил



Эрта тонгда “Маънавият фестивали”, “Маданият карвони” иштирокчилари белгиланган тартибда тadbирга шошилди. Бу пайтда Навоий шаҳри уйқудан уйғониб, хазина устида чордона курган куёвга ўхшар эди. У шунчаки ўтиргани йўқ. Қиёфасидан бахтиёрлик, муҳаббатдан чўгланган нигоҳларида уқтамлик ва келажак режалари, мақсадларини пишшиқ-пухта тусиб, ўзини кутиб турган муваффақиятларни аниқ ҳис этиб турган соҳиб саодатга монанд эди.

Навоий шаҳридан гўё тўй ҳиди ўфуриб турарди. Узига хос дизайнга эга иншоотлар, нурафшон йўллар, ороланган кўчалар, янгидан-янги намунали уйлар, турли таъмирдан чиққани билиниб турган тураржойлар. Шаҳар марказига келганимизда гира-шира тонгда ҳали чироқлар ўчмаган янги кўприкка дуч келдик. Қизил устин келиб, автобусдан тушдик. Бизга ҳамроҳлик қилаётган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Баҳриддин Садриддинов барчани кўприкка бошлаб, завақ билан таништира бошлади:

— Шаҳримизнинг Амир Темур ва Галаба кўчалари чорраҳасида пиёдалар учун қурилган мега кўприк шу йил “Навоий йўллардан фойдаланиш корхонаси” томонидан ишга туширилган бўлиб, қиймати 15 миллиард сўм. Кўприк жойлашган чорраҳа шаҳримиз деҳқон ва кийим-кечак бозорлари ёнида. Ундан бир дақиқада 400 га яқин одам ўтади. Кўприк бунёд бўлганга қадар бу чорраҳада содир бўлган тирбандликлар, асабузариликлар, йўл-транспорт ҳодисаларини эслашга ҳали ҳам юрак безиллайди. Мана, кўриб турибсиз, мега кўприк ўзига хос дизайн ечимига эга ва миллий услубда ишланган. Уч қаватли ушбу кўприк Осиёда ягона.

Эрта тонгда кўприкка ёшларнинг югуриб чиқиши асосий йўлакча ёнидаги велойўлакчаларда қатнов бошланганидан далоят беради. Шаҳарнинг ўзи истаган йўналиши бўйлаб юришга қийналадиган кексалар ва ногиронлар учун махсус лифт ва лифт кузатувчиси хизматга тайёрлигини кўриб, янада мамнун бўлдик.



саноат дастгоҳлари ишлаб чиқарувчи “RIETER” компаниясидан ил йигирув цехлари учун R66 янги пневматик дастгоҳлар олиб келинган. 2012 йилда 7200 тонна ип-калава ишлаб чиқарган жамият 2021 йилга келиб тўлиқ қувватда ишга туширилди. Йилга 27 000 тонна ип-калава ишлаб чиқара бошлади. Ҳозир жамиятда 1327 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилиб келмоқда. Шундан 901 нафари аёллар.

Корхона кластер усулига ўтиши натижасида Кармана, Хатирчи, Қизилтепа туманларидаги 616 та фермер ҳужа-лиги билан контрактация шартномаси имзоланган. 24 474 гектар ер майдонида 70 минг тонна пахта хосили етиштирилган.

“Мармаробод”да 170 ходим меҳнат қилаётган бўлса, корхона тўлиқ қувват билан ишга тушса, фозгонлик ёшлардан яна 400 нафари иш ўрнига эга бўлади.

Мармар конларининг захираси жиҳатидан дунёда 4 ўринда турадиган Фозгон билан фахрланмай бўладими?! Фозгонда, жиподор мармарлар ёнида машҳур сангтарос уста — “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиб Тоҳир хожи Раҳимов билан сўхбатлашдик.

Давлатимиз раҳбари Навоий вилоятга ташрифи доирасида сангтаросларга ҳам алоҳида марҳамат кўрсатди. Президент кўрсатмаси билан Тоҳир хожиининг “Мармар камёб” хусусий корхонасига Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки кредит ажратди. Махсус мармар кесадиган ускуналар Хитойдан олиб келинди. 2011 йилда Тоҳир сангтароснинг 5 нафар шогирди бўлган, ҳозир улар 30 дан ошиб кетди.

Навоий вилоятидан қайтар эканмиз, таъриф билмас туйғулар оғушида эдик. Шейрият мулкнинг султони номи билан аталган вилоятда ҳар кунни янгилашни ва юксалиш. Бу эл одамларининг ҳузурда қанча бўлсан, шунча илҳомланасан. Навоийликлар ақли идроки, бор иқтидор билан меҳнат қилмоқда. Энди Зарафшоннинг олтин сандиқлари қалити ўз эгасининг қўлида, энди Фозгон ва Зармистан хазиналари соҳиблари Янги Ўзбекистон фарзандларидир. Уларни ҳалол меҳнат бой қилди, уларни қаноат давлатманд этди.

Зеро, ҳазрат Навоий айтганларидек: *Қимзақи иш бўлди қаноат фани, билзақи, ани қилди қаноат фани.*

Навоий вилоятини бугунги кунимизнинг энг навиқирини маскани деймиз. Инновация ва юқори технологиялар шиддат билан ривожланаётган, рақобатда дунёнинг етакчи компанияларини орта қолдираётган ақл-идроқли ёшлар яшаётган муаззам юрт деймиз.

Навоий вилоятининг тупроғи Менделеев жадвалидаги барча маъданларга эга. Ер остида ҳисобсиз бойликлар бола-лаб ётган бўлса, бу замин устида унинг хазинаси бебаҳо одамларидир, иқтидорли ёшларидир. Хатирчи туманидаги Тамабахрин маҳалласи бугун республикада ўзининг олий таълимга ўқувчиларни тайёрлаш тажрибаси билан ном қозонган. Ҳар йили ўқувчиларининг 90–95 фойизи олий ўқув юртларига қирмоқда. Мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлигининг намунасига айланган.

Толган маблағини болаларининг келажига, ақли оиласининг саломатлигига сарфлаётган оқил одамларимиз сафи кўпаймоқда. Ҳирсу ҳавасга берилмай фарзанди қалбини илм, меҳр ва Ватанга муҳаббат каби муқаддас туйғулар хазинасига айлантираётганлар йилдан-йилга бароқ топаётгани ҳам бор ҳақиқат.

Президентимиз эълон қилган “Яшил макон” лойиҳасида иштирок этаётган вилоят ақли ҳар кун минглаб қўчатни авайлаб она замин бағрига қадапти. Тинимсиз қурилишлар авж олганда ҳам Навоий вилояти ақли дарахтқушликка йўл қўймади. Шаҳар қишин-ёзин яшил



Қаерлардадир ўрмонларни ёқаётган, ўрмон ичида яшаётган тилсиз жониворларнинг қарғишини олаётган одамлар бор. Жайронларга тузоқ қўйганлар, сув остида ўйнаб юрган балиқчаларни қираётган, миттигина кушларни ўлдирётганлар хайру бароқ кўраармиким!

Йўқ! Асло йўқ!

Биз ҳалалар сиздан ўрнак олсин. Сиз минг йиллик тулларни асрайдиган авлодсиз. Сиз НАВОИЙЛИКЛАРИСИЗ!

Навоий шаҳридаги “Фарҳод” маданият саройида Президентимиз ташаббуси билан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан нашр этилган “Ўзбекистон Қаҳрамонлари” китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимида иштирок этган Ўзбекистон Қаҳрамонлари: Қувондиқ Санакулов, Фарҳод Соипов, Серикбай Сағатовларга китоб ва гуллар тақдим этилди. Ёшларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида лавҳалар жуда катта қизиқиш уйғотди.

Фестивалнинг ёрқин дақиқаларидан бири “Менинг фарзандим — Ўзбекистон фаҳри” лойиҳасидир. Лойиҳанинг аҳамияти тўғрисида “Маърифат” тарғиботчилар жамияти раиси Бахтиёр Хусанов куйидагиларни айтиб ўтди:

— Бу лойиҳа доирасида фан, таълим, ва спортнинг турли йўналишларида халқаро ва республика даражасида голибликни кўлга киритган навоийлик 11 нафар ўқувчи ва уларнинг ота-оналарини тақдирлаймиз. Фарзанди ту-файли қадр кўраётган ота-оналарнинг сафи юртимизда кўпаяверсин. Ватан

Тадбирларимиз давомида устав шартномаси 2 000 000 АҚШ долларини

Узбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Наши индекси — 236. Буюртма Г-1164. 81039 нусхада босилди.**

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наширият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тажриятга келган кўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибхона: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиж: Рашид Хўжамов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:40 Топширилди — 23:35